

Замонавий компьютер ўйинлари ҳалолми? Улардан топилаётган пулчи?

20:56 / 27.04.2016 3963

Замонавий компьютер ўйинлари ҳалолми? Улардан топилаётган пулчи?

Саволни икки қисми бир-бирига боғлиқ, агар ўйинлар ҳалол бўлса, топилган пуллар ҳам ҳалол бўлади, аксинча бўлса аксинча бўлади. Бу саволда ҳам кўпчилик саволларга ўхшаш нотўғри бир йўналиш бор, бу умумий нарсада умумий нарсани ҳамма катта бир миқёсидаги ва турли шаклларга эга бўлган нарсадаги ҳолатдан битта жавоб сўралапти. Компьютер ўйинлари ҳолбуки турлича бўлади ана шу ўйинларни демак маъносида шариатга хилоф нарсалар бўлса, албатта у ўйин яхши эмас, харом бўлади. Ўйинларда зеҳни яхшилаш маъноси, исломий бир таълимотларга ҳизмат қилиш маъноси, одоб-ахлоққа, сабр-матонатга, саҳийлик ва гўзал инсоний фазилатларга ҳизмат қилиш маъноси бўлса бу албатта яхши бўлади. Шунингдек ана шу ўйин орқали компьютерни ўрганиш, ундан келажакда бир катта манфаатлар йўлида фойдаланиш қобилиятини шакллантириш маънолари бўлса, албатта бу жоиз яхши ҳалол бўлади. Лекин ўйинлар мазмунида шариатга хилоф нарсалар бўлса, ўйин-ўйин учун бўлиб, ҳамма нарсани унутиб, бошқа илмларни тарк қилиб намоз ниёзни умуман эсдан чиқариб Алллоҳни зикрини ҳам унутиб қўядиган бўлса албатта бу жоиз эмас. Шунинг учун компьютер ўйинларини ташкил қилувчилардан ҳам кўпроқ бу саволлар тушади. Ўйнамоқчи бўлганлар ёки фарзандлари ўша ишда иштирок этмоқчи бўлган кишилардан ҳам кўпроқ саволлар бўлади. Албатта буларнинг ҳаммасига умумий жавоб юқорида зикр этилган каби. Компьютер ўйинларини фойдали қилиш, ундан манфаат олиш маъносида ҳаракат қилиш яхши, жоиз нарса. Лекин ношаръий ҳолатларга бурилиш жоиз эмас ишдир.